O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NUROTA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
НУРАТИНСКОГО
РАЙОНА

Nurota sh. X.Xudoyqulov ko'chasi 48
"28" 03 2019 йил № К-310

г. Нурата ул. Х.Худойкулов 48

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парк лари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи (рўйхат раками 2452, 2013 йил 25 апрель), (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 229-модда) билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб - ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекциясининг 2019 йил 19 январдаги 14.1/30-15-19-157-сонли хатига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устохоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 2-иловага, туман ҳудудидаги тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив ва трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекцияси Нурота туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шуъбаси катта инспектори (Ж.Р.Нуркулов)га:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахслар (мулкдор)га техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборади;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма беради;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чикариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш учун туман ҳокимлигига юборади;

3. Туман "Нурнома" газетаси (Л.Бозоров) мазкур қарорнин оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини, туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (А.Эшмонов) мазкур қарор туман ҳокимлиги расмий веб сайтига жойлаштирилиши ҳамда давлат ҳисобига олиниши учун вилоят адлия бошқармасига етказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ш.Рустамовга, ижросини ташкил этиш туман Ички ишлар бўлими бошлиғи У.Шукуров зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **У.Халилов**

НАВОИЙ ВИЛОЯТ
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ
**НУРОТА ТУМАН
АДЛИЯ БЎЛИМИ**
210700, Нурота тумани, Х.Худойкулов кўчаси,48
Тел.: (998 79) 523 1008, Факс (998 79) 523 1008

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
**ОТДЕЛ ЮСТИЦИИ
НУРАТИНСКОГО РАЙОНА**
210700, Нуратинский район, улица Х.Худайкулова, 48
Тел.: (998 79) 523 1008, Факс (998 79) 523 1008

2019 йил 25 март 1-08/77-1-сон

Нурота тумани ҳокимлигига

16.03.2019 йилдаги
01-09/36-сонли хатга

Туман адлия бўлими томонидан Нурота тумани ҳокимининг "Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини Қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги маълум қилинади.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, расмий нашрларда эълон қилиниши ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтда расман эълон қилингандан кейин бир кундан кечиқмай жойлаштирилиши (Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарорининг 3-ИЛОВА билан тасдиқланган "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар"нинг 5-банди, 2-хатбоши), Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги Низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) мувофиқ уч кун ичида давлат ҳисобига олиниши учун қоғоз ва электрон шаклларда муҳрланган ҳолда вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозимлиги маълумот тарикасида билдирилмоқда.

Илова: қарор лойиҳаси, ҳуқуқий экспертиза хулосаси 8 варақда

Бўлим бошлиги **А.Ахмедов**

Ижр: Ш.Муҳиддинов
Тел.: 523-10-08

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Нурота тумани адлия
бўлими бошлиғи
М.Ў. _____ А.Ахмедов

Нурота тумани адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

Х У Л О С А

2019 йил 25 март **Нурота тумани**

Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 21-22 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон карори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Низоми хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага асосан Нурота тумани хокимининг “Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги карори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганида, қуйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруги билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган.

Қарори лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) ҳамда бошка Қонун хужжатларига зид эмас.

Лойиҳа юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида ва лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотнома тайёрланган ва юридик хизмат ходими томонидан имзоланиб тақдим этилган, шунингдек, қарор лойиҳасини расмийлаштиришнинг Йўриқномада белгиланган тартибларига риоя қилинган.

Юқоридагиларга асосан, Нурота тумани ҳокимининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарор лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Нурота тумани ҳокимининг "Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек, машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси Қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун туман ҳокимлигига юборилсин.

Нурота тумани адлия
бўлими бош маслахатчиси **Ш.Мухиддинов**

Туман ҳокимининг
“28” март 2019 йилдаги
К-310 – сонли қарорига
1- илова

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устохоналари ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича
Иш режаси

№	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1.	Ҳайдов тракторлари	Магнум, Арион-630	09:00-16:00	Туман “Агротехсервис” МТП МЧЖ ва ширкат авто саройлари	02.10.2019
2	Чопиқ тракторлари	ТТЗ-80-11, МТЗ-80,	09:00-16:00		02.03.2019
3	Транспорт тракторлари	МТЗ-82, ТТЗ-80-10,Т-40, Т-28	09:00-16:00		15.08.2019
4	Трактор тиркамалари	2ПТС-4-793	09:00-16:00		15.08.2019
5	Ғалла ўриш комбайнлари	Класс	09:00-16:00		02.03.2019
6	Мелиоратив техникалар	ЭО652, ЭО-41-11	09:00-16:00		10.03.2019
7	Ер текислагич-лар	П-4	09:00-16:00		01.06.2019
8	Омочлар	ПЛН -3,35	09:00-16:00		02.03.2019
9	Чизеллар	ЧКУ-4	09:00-16:00		02.03.2019
10	Тишли параналар	БЗ -1,0	09:00-16:00		02.10.2019
11	Пушта олгичлар		09:00-16:00		03.03.2019
12	Пургакичлар	ОВХ-600,ВП-1	09:00-16:00		02.03.2019
13	Минерал ўғит сепгичлар	НРУ-0,5	09:00-16:00		28.03.2019
14	Ўт ўргичлар	КС 2,1	09:00-16:00		26.03.2019
15	Юклагичлар	ЮМЗ -6	09:00-16:00		20.03.2019
16	Зичлаб боғлагичлар	ПС-1,6	09:00-16:00		01.06.2019
17	Ғалла экиш сеялкалари	Амазонка	09:00-16:00		02.04.2019

Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шуъбаси катта инспектори
Ж.Р.Нуркулов

Туман ҳокимининг
2019 йил 28 март даги
к-380- сонли қарорига
2- илова

Туман ҳудудидаги тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив ва трактор тиркамалари, кишлок хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича
КОМИССИЯ ТАРКИБИ

Ж.Р.Нуркулов	-	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекцияси Нурота туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шуъбаси катта инспектори *комиссия раиси*
Ф.Ёдгоров	-	Туман ҳокими ўринбосари, *комиссия раисининг ўринбосари*

А ъ з о л а р и:

А.Раҳмонов	-	Туман ИИБ ЙҲХБ бошлиғи
Б.Сидиков	-	Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи

Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат
қилиш шуъбаси катта инспектори
Ж.Р.Нуркулов

Туман ҳудудидаги тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив ва трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби ходимлари

КЕЛИШИЛДИ:

Ж.Р.Нуркулов - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекцияси Нурота туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат қилиш шуъбаси катта инспектори *комиссия раиси*

Ф.Ёдгоров - Туман ҳокими ўринбосари, *комиссия раисининг ўринбосари*

А.Раҳмонов - Туман ИИБ ЙҲХБ бошлиғи

Б.Сидиқов - Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

Туман хокимининг
2019 йил 28 март даги
К-310 – сонли қарорига
3-илова

Туман ҳудудидаги тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив ва трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналарини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича
ЖАДВАЛИ

№	Хўжалик юритувчи субъектнинг номи	Техник кўрик вақти ва санаси	Техник кўрик ўтказиш санаси	Техник кўрик ўтказишга маъсуллар
1	"Қизилча" қоракўл наслчилик МЧЖ	08.04.2019 йил	хўжалик МТС	Комиссия раиси ва аъзолари
2	"Нурота" қоракўл наслчилик МЧЖ бошлиғи	09.04.2019 йил	хўжалик МТС	
3	"Истиқлол" қоракўл наслчилик МЧЖ	10.04.2019 йил	хўжалик МТС	
4	"Ғозғон" қоракўл наслчилик МЧЖ	13.04.2019 йил	хўжалик МТС	
5	Туман йўл падрат таъмир фойдаланиш корхонаси	18.04.2019 йил	хўжалик МТС	
6	Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи	19.04.2019 йил	хўжалик МТС	
7	Бошқалар ҳамда жисмоний шахслар	20.04.2019 йил	хўжалик МТС	

*машина-трактор саройи

Эслатма: Техник кўрикни ўтказиш жойи ва вақти комиссияси томонидан техник кўрикни сифатли ўтказишни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Жисмоний шахсларга тегишли тракторлар ва тиркамалар жойлардаги ширкат хўжаликлари машина-трактор саройларида техник кўрикдан ўтказилади.

Техника ҳолати ва агротехник тадбирларни назорат
қилиш шуъбаси катта инспектори
Ж.Р.Нуркулов

“Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги туман хокими қарори лойиҳаси юзасидан

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 50-сон, 559-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 апрелда 2542-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Мазкур қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши юқорида қайд этиб ўтилган қонун ҳужжатлари билан туман ҳокими ваколатига киради.

Қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқилаётган норматив-ҳужжатлар лойиҳаларининг ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 4-бандига мувофиқ муҳокама қилиш керак бўлмаганлиги сабабли муҳокамадан ўтказилмаган.

Мазкур қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунчилик ва қонунчилик техникасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Нурота туман ҳокимлиги
бош юрисконсульти **А.Эшмонов**

“Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техикани, шунингдек машина-тарктор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги туман ҳокими қарори лойиҳаси юзасидан

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Туман ҳокимининг “Тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техикани, шунингдек, машина-тарктор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ўрганилмоқда.

Мазкур қарор 5-банд ҳамда 2-иловадан иборат.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти тумандаги мавжуд қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларнинг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказилиши тўғрисида тушунтирилади ва уларнинг машина ва тракторлари техник кўрикдан ўтказмлади.

Техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрикдан ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборилади.

Техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этмаган техникалар юзасидан мулкдорга кўрсатма берилади.

Мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказган тақдирда ҳамда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника асбоб-ускуналардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш, таъмирлаш, техника хизматлари кўрсатиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш учун туман ҳокимлигига юборилади.

Мазкур қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунчилик ҳамда қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Нурота туман ҳокимлиги
бош юристконсульти **А.Эшмонов**